**Ушбу сонда:**

**2** ХАЛҚ ИШОНЧИ юксак масъулият юклайди

**3** TV — ДАСТУРИ

**4** ИСКОВОТЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР мамлакат терма жамоасига таклиф этилди

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 27 июн, жума № 99 (1524)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Пойтахтимиздаги Ҳиндистон Маданият марказида ҳинд киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Давр билан ҳамнафас Ўзбекистон» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлди.

Фильмда қадимий Буюк ипак йўли марказида жойлашган мамлакатимиз тарихи, ўзбек ва ҳинд халқи ўртасидаги қадимий алоқалар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида эришаётган улкан ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур фильм Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тобора ривожланиб бораётганидан далолат берувчи яна бир ишончли далил эканини таъкидлади.

Тақдимот маросимида маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш.Сабхарвал иштирок этди.

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Аввало, ўзининг машаққатли меҳнати, ижодий салоҳияти билан жамиятимизда демократик матбуот ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, журналистларни, барча оммавий ахборот воситалари ходимларини қутлуғ байрамингиз билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.*

*Бугун газета ва журналлар, радио ва телевидение таҳририятларида, нашриётлар, матбаа корхоналари, матбуот тарқатиш идораларида хизмат қилаётган, бир сўз билан айтганда, умрини шу соҳага бағишлаган заҳматкаш инсонларнинг касб байрамидир.*

*Шу билан бирга, ушбу сана эркин сўз, холисона ахборотни ўзи учун маънавий эҳтиёж деб биладиган, матбуот орқали ўз билим ва тафаккури, дунёқарашини кенгайтиришга интиладиган ҳар бир одам ҳаётида алоҳида ўрин тутади, деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Мана шу айём муносабати билан биз матбуот ва ахборот вакилларини қизғин табриклаб, уларнинг серқирра фаолиятига эътибор қаратар эканмиз, журналистларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатини тасаввур қилиш, баҳолаш билан бир қаторда, яна бир бор мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, бу ишга ўз ҳиссамизни қўшиш ҳақида ўйлашимиз табиий.*

*Бугун юртимизда халқимиз, аждодларимиз неча асрлар орзу қилган, умумбашарий ва миллий ғоялар ҳамда қадриятларнинг уйғунлигига асосланган янги давлат, янги ҳаёт, инсон эркин нафас оладиган, ўз фикрини мустақил ифода этиш имконига эга бўлган очиқ жамият қуриш ва дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар билан ҳамнафас ва ҳамкор бўлиб яшаш - бизнинг эзгу мақсадимиздир.*

*Бугун биз, янги ХХ1 асрнинг ўзига хос белги-аломати бўлмиш информацион «портлаш» рўй бераётган глобаллашув шароитида, ахборот коммуникациялари шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда яшамоқдамиз.*

*Илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган замонавий ахборот технологиялари ёрдамида дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига яшин тезлигида маълумот узатиш, ҳатто рангли тасвирларни етказиб бериш ҳам одатий ҳолга айланиб бормоқда.*

*Лўнда қилиб айтганда, бугун ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқ, эркин сўзга чегара қўйиш учун ҳар қандай интилиш ва ҳаракатлар бутунлай бефойда ва бесамар эканини, ўйлайманки, ҳар бир ақли расо одам англаб етади.*

*Бундай вазият, бугунги замон, ўз навбатида, матбуот аҳли олдига янги ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.*

*Шулар қаторида ҳозирги кескин ўзгаришлар даврида Ватанимиз, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаши нақадар мураккаб жараён эканини, ўз танлаган мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бориш ҳеч қачон, ҳеч қайси миллат учун осон кечмаганини инобатга олган ҳолда, бугун ҳаёт олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифаларнинг мазмунини, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бериш, одамларнинг турли-туман қарашларини ифода қилиш ва мавжуд муаммоларни ечишда матбуотнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир.*

*Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, авваламбор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатмоғи лозим.*

*Яна бир муҳим вазифа - дунёдаги замонавий ахборот технологиялари билан бирга, юксак профессионал маҳоратни эгаллаш, етук мутахассислар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган журналистларни тайёрлашдан иборат, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.*

*Миллий матбуотимизни биз ўзимиз орзу қилаётган халқаро талаблар даражасига кўтариш учун яна нима етишмаяпти?*

*Мен, бунинг учун фақат тажриба, тажриба бўлганда ҳам, илғор, замонавий мезонларга мос келадиган тажриба керак, деб айтган бўлур эдим.*

*Шуни ҳам очиқ айтишимиз зарурки, бизга бу борада баъзан шижоат етишмаяпти. Етмиш йил давомида қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингиб кетган одатлар, яъни ҳокимият фаолиятига танқидий кўз билан қарашнинг йўқлиги, ҳаётда амалдорларнинг айтгани-айтган қабилидаги эскича кўникмалардан халос бўлиш оғир кечмоқда.*

*Шунинг учун ҳам бугун журналистлардан ишимизга халақит бераётган ана шундай асоратларни бартараф этиш, жамиятимизда эркин фикр муҳитини қарор топтириш йўлида белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш талаб этилмоқда.*

*Мен ишонаман, ўз Ватани ва халқига садоқатли бўлиш, азалий қадриятларимизни асраб-авайлаш, эл-юртимизнинг келажагига ишонч билан қараш масаласида бизнинг журналистларимиз ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди.*

*Азиз дўстлар!*

*Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, аввало, матбуот соҳасига кўп меҳнати синггaн мўътабар оқсоқолларимизга, яна узоқ йиллар орамизда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.*

*Матбуотимизнинг қутлуғ даргоҳига катта орзу-умидлар билан кириб келаётган навқирон авлод намояндаларига эса, сизлар халқимизнинг олий мақсадларини рўёбга чиқариш, ёруғ келажагимизни барпо этиш учун билимингиз, бор куч-ғайратингизни сафарбар этасиз, деб ишонч билдираман.*

*Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**







Гулистондаги «Лечива Фармсаноат» Ўзбек-Чехия қўшма корхонасида юқори малакали ходимлар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан республика аҳолисига зарур дори-дармонлар етказиб берилмоқда. Корхонада ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

## «ДЭУ ЮНИТЕЛ» ЯНГИ БИНОДА

«ДЭУ Юнител» компаниясининг Андижон бўлими янги бинога кўчиб ўтди. 2000 йил августида Андижонда иш бошлаган компания қисқа даврда мижозлар сонини 4000 кишига етказди.

Бешта базавий станция ўрнатилди, шу жумладан иккитаси вилоят марказида, Шаҳрихон, Асака ва Балиқчи туманларида биттадан. Ҳозирги вақтда базани янада кенгайтириш ишлари давом этмоқда. «Ўздунробита», «Коском» компаниялари билан бир қаторда «ДЭУ Юнител» андижонликларни сифатли уяли алоқа билан таъминламоқда.

- Биз салоҳиятимизни ошириб боришдан манфаатдормиз,- дейди фирманинг Андижон бўлими вакили Ш.Тўхтабоев. - Минтақа аҳолининг зичлиги, юридик шахслар ва хўжалик субъектлари кўплиги билан ажралиб туради. Янги бино зарур талабларга жавоб беради. Офисда мижозлар ва компаниямиз ходимлари учун барча қулайликлар яратилган.

**(ЎзА)**

### *Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан*

***Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан сўнг Қаршидаги «Санам» очиқ ҳиссадорлик бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда акциядорлар, жамоа ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Корхона раҳбари Ҳусан Ражабов фойдали таклифни ўртага ташлади.***

## «САНАМ» КЎЙЛАКЛАРИ — ГЕРМАНИЯДА

– «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларнинг болалар учун зарур спорт анжомлари ҳамда кийимларга бўлган эҳтиёжини қондириш вазифаси қўйилган, - деди у. Бизда эса спорт кийим-кечаклари тайёрлаш учун ҳамма имкониятлар бор.

Корхона бош муҳандиси Ҳалима Ёқубова, тажриба цехи устаси, дизайнер Назира Пардаева, касаба уюшма ташкилоти раиси Муаззам Абдуллаева ва бошқалар раҳбарнинг таклифини якдиллик билан маъқулладилар. Самбо кураши бўйича икки карра жаҳон чемпиони Остон Чўлиев маслаҳатчиликка таклиф қилинди.

Шундай қилиб миллий кураш, каратэ, таэквандо, дзю-до, самбо, «Турон» яккакураши, футбол, теннис билан шуғулланувчилар учун кийим-кечак ишлаб чиқаришга киришилди. Кийимлар дизайнининг жаҳон андозалари талаблари даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ташаббускор жамоа спорт кийимлари намуналарини яратиш бўйича уюштирилган республика кўргазмасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва тендер танловларида бир неча марта ғолибликни қўлга киритди.

Ҳозирга қадар истеъмолчиларга 10 миллион сўмдан зиёд арзон ва сифатли спорт кийимлари етказиб берилди. Ўтказилган республика саноат моллари савдо ярмаркасида ўттиздан ортиқ ташкилотлар билан 240 миллион сўмлик шартномалар тузилди.

...Бундан 60 йил муқаддам ташкил топган тикув фабрикасининг бир вақтлар шуҳрати мамлакатга ёйилган эди. Лекин йиллар ўтиши билан технологик ускуналар, машина ва механизмлар эскириб, қуввати пасайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти бўҳронларига дош беролмаган корхона қолоқликка юз тутди.

Ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг ҳам унинг фаолиятида жиддий ўзгариш бўлмади. Устига-устак беш марта раҳбар, етти марта бош ҳисобчи алмашди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг тавсияси билан институтни битириб, фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган Ҳусан Ражабов жорий йилнинг январида жамият раислигига сайланди. Фабрика ўтган йилни 30 миллион сўмлик зарар билан якунлаган, иш ҳақидан 16 миллион сўмлик қарздорлик вужудга келган эди.

Тадбиркор ва ташаббускор раҳбар ишни интизомдан бошлади. «Каштекс» ҳиссадорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Эркаклар кўйлаклари, кўрпа, кўрпача, пиджаклар, иш кийимлари, жами 26 хилдаги маҳсулот тайёрлайдиган 324 кишилик жамоада соғлом муҳит қарор топди. Тошкентнинг Чилонзор буюм бозорида фирма дўкони, вилоятнинг тижорат бозорларида эса савдо расталари очилди.

Эндиликда тайёрланаётган маҳсулотларнинг довруғи хорижга ҳам бориб етди. Ўзбекистон-Германия техник ҳамкорлик жамиятига аъзо бўлиб кирган корхонадан ўн хилдаги кўйлак-андозалари чет элга жўнатилди. Испания ва Туркия давлатларига ҳам трикотаж маҳсулотлари юборилди.

Илгарилари йил бўйи 40 миллион сўмлик маҳсулот сотувга чиқарилган бўлса, ўтган ярим йилликда бу кўрсаткич 200 миллион сўмга етди. Шундан ўн миллион сўми соф фойдадир. Ойлик маошлардан қарздорлик тугатилди.

Эришилган муваффақиятга мавжуд олтита цехларда меҳнат қилаётган моҳир ишчи-хизматчилар муносиб ҳисса қўшаяптилар. Бичувчилик цехи бошлиғи Ғулом ака Панаев ана шулардан бири. 60 ёшга қадам қўйган бу фидойи инсоннинг меҳнат фаолиятига 40 йил тўлди. Унинг сингиллари Муҳаббат ва Муқаддас, куёви Абдусаттор, келинлари Гулнора ва Гулноза, жиянлари Муқаддас, Ярашлар Панаев сулоласининг аъзоларидир.

Қумри Шониёзова, Ғофур Холмуродов, Розия Очилова, Света Раҳимова, Замира Ҳақбердиева каби илғорлар ҳам меҳнатда ўрнак кўрсатишаяпти.

Корхонада технологик жараёнлар такомиллашмоқда. Япония ва Германиядан трикотаж маҳсулотларини турмаклаб тикадиган механизмлар келтирилди. Эркаклар кўйлагининг 4 хил, спорт кийимларининг 8 хил янги моделлари яратилди. Яқин келажакда ишлаб чиқариладиган спорт кийимларининг сони 14 хилга етказилади.

Жорий йилда 400 миллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, савдо корхоналарига етказиб берилади. Энг муҳими, одамлар тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилаяпти. Ходимларнинг бепул тушлик қилиши учун 3 миллион сўм маблағ сарфланди. Ишчиларнинг 100 нафар фарзандлари оромгоҳларга жўнатилди. 10 нафар ишчи «Мироқи» санаторийсида даволаниб келди.

«Бандлик» дастури асосида Муборак туманида фабриканинг «Азиза-чевар» филиали очилиб, 80 нафар хотин-қизнинг ишлаши учун шароит яратилди.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларининг сифати хорижникидан қолишмайди. Унинг нархи ҳам анча арзон.

**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

*Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг жорий йил Назорат-таҳлил фаолияти юзасидан йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Ў.Ҳошимов бошқарди.*

*Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижросига оид масала муҳокама қилинди.*

*Йиғилишда бу борада Қорақалпоғистон Республикасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Йўл қўйилаётган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.*

**(ЎзА)**

**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси танлов ҳайъати 2002 йилда алоҳида фаоллик кўрсатиб, самарали ижод қилган қуйидаги журналистларни**

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ

**танлови ғолиби ва совриндорлари деб топди:**

**Комилжон ШАМСИДДИНОВ** - *Ўзбекистон телевидениесидаги туркум ижтимоий-сиёсий кўрсатувлари учун. (Журналист).*

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ** - *«Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган мақолалари учун. (»Халқ сўзи» газетасининг Навоий вилояти мухбири).*

**Тўлқин РЎЗИЕВ** - *Болалар спорти мавзусидаги чиқишлари учун. (»Спорт» газетаси мухбири).*

**Виктор ДЕГТЯРЁВ** - *Халқаро мавзудаги мақолалари учун. (»Правда Востока» газетаси бош муҳаррири ўринбосари).*

**Хадича КАРИМОВА** - Маънавий-маърифий мавзудаги мақолалари учун. (Фарғона вилояти Охунбобоев тумани «Истиқбол йўли» газетаси бош муҳаррири).

**Абдуғани ЖУМАЕВ** - Республика матбуотида босилган фотопублицистик асарлари учун. (»Ёшлик» журнали).

Қуйидаги журналистлар рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари бўлишди:

**Жўра Бобораҳмат** (ЎзТВ), **Турсунбой Ботирбеков** (ЎзА), **Норбек Ниёзов** (Ўзбекистон радиоси), **Марат Таумуратов** (Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси), **Феруза Полтаева** (»Ёш куч») журнали, **Менгнор Олломуродов** (»Қишлоқ ҳаёти» газетаси).



## ФЕРМЕРЛАР - МАКТАБЛАР ҲОМИЙСИ

Мирзачўл туманидаги Собит Муқонов номидаги 6-ўрта мактаб жамоаси фақат туманда эмас, балки вилоятда биринчи бўлиб мактабни янги ўқув йилига тайёрлаб қўйди.

Таълим-тарбия борасида ҳам туманнинг энг илғор мактабларидан бири саналган ушбу билим даргоҳининг маблағ масаласида деярли муаммоси йўқ. Чунки мактабнинг ўз фермер хўжалиги бор. Хўжалик 45 гектар ерда пахта, ғалла етиштириб, даромадини мактаб эҳтиёжи учун ҳам сарфлаётир. Бу йил фермер хўжалиги мактабни таъмирлашга 2,5 миллион сўм ажратди.

Фақат мактаб биносини таъмирлашгина эмас, дарсликлар ҳам фермер хўжалиги ҳисобидан сотиб олинмоқда. Ўтган ўқув йилида хўжалик бир миллион сўм сарфлаб, ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаган эди. Бу йил ҳам шу анъана давом этади.

- Фермерларнинг мактабларни ҳомийликка олиши туманимизда яхши анъанага айланиб бораётир, - дейди туман ҳокими ўринбосари Қ.Бердибеков. - Улар мактаблар биносини таъмирлашга ҳам яқиндан ёрдам берди. Шунинг учун гарчи ўқув йилига ҳали барвақт бўлса-да, туманимиздаги мавжуд 19 мактаб янги ўқув йилига тайёрлаб қўйилди.

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

## ЎЗ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТОПГАН МАВЗУ



Биз буюк маънавият яратган халқлардан биримиз. Биздаги бу беқиёс маънавий бойлик жаҳон халқларининг унча-мунчасида йўқ. Бинобарин, мустақил давлатчилигимиз пойдеворини юксак маънавият асосида қуришни мақсад қилиб олган Ўзбекистон ҳукумати истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб маънавиятга катта эътибор қаратиб, уни давлат сиёсати даражасига кўтаргани бежиз эмас. Зеро, маънавий илдизлари бақувват бўлмаган давлатнинг пойдевори мустаҳкам бўлмайди. Маънавияти юксак инсонгина элим деб, юртим деб яшайди.

Бир куни келиб ҳар қандай йўқотишнинг ўрнини балки қопласа бўлар, лекин маънавий ютқазишларнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бизда эса ўтиш даврининг энг оғир йилларида ҳам маънавият кун тартибида турди. Дунё жамоатчилиги Ўзбекистонга ҳавас ва ҳайрат билан қараб тургани бежиз эмас. Чунки биз янги давлатчилигимизнинг асосларини қуришни қадимий қадриятларни тиклаш, кўҳна меросни халққа қайтариш, халқимизнинг буюк фарзандлари номини оқлаш ва уларнинг ҳурматини жой-жойига қўйиш билан бирга олиб бораяпмиз. Шунга мувофиқ равишда, оммавий ахборот воситалари маънавиятга катта эътибор бермоқдалар. Улар орасида «Ишонч» газетасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги кунда газетанинг ўқувчилари сони кўпаяётган экан, бунда шубҳасиз маънавиятга - қадриятлар, мерос, тарих, адабиёт, маданиятга оид кўплаб материаллар берилаётгани ҳам катта рол ўйнаётир.

Адабиётшунос олим сифатида мени адабиётга оид «кўб ва хўб» материаллар берилаётгани жуда қувонтиради. Айниқса, Алишер Навоийга бағишлаб бир неча йилдан буён бериб борилаётган «Эл нетиб топгай мениким...» рукни ўз мухлисларини топиб, адабиёт муҳиблари орзиқиб кутадиган саҳифага айланди. Газетанинг Навоий ҳақидаги мақолалар ва шоир ғазалларига ёзилган шарҳлар босилган сонларини филология факультетларининг талаба ва магистрантлари йиғиб юрганларидан хабарим бор. «Тарихдан сабоқлар», «Туронзамин дарғалари», «Маънавият сарчашмалари», «Буюк аждодларимиз», «Меросимизни ўрганамиз», «Мерос», «Бир ғазал шарҳи», «Барҳаёт удумлар» рукнлари остида бериб борилаётган мақолалар ҳам ўзининг оҳорли маълумотларга бойлиги ва ўқимишлилиги билан мухлисларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Машҳур олиму адибларимизнинг таваллуд саналари муносабати билан ҳам кўплаб материаллар берилаётир. Хусусан, ўзбек адабиётининг икки забардаст вакили - Навоий ва Бобур туғилган кунда уюштирилган саҳифалар кўпчилик эътиборини тортди.

Кўпгина нашрлар ҳатто даврийлигини сақлаб қололмаётган ҳозирги бозор шароитида ўз мавқеини сақлабгина қолмай, балки кундан-кунга тиражи ошаётгани «Ишонч» газетасининг таҳсинга сазовор жиҳатларидандир. Айтайлик, менинг ўзим яқин уч йилдан буён газета саҳифаларида мақолаларим билан иштирок этиб келаяпман. Ўтган қисқа давр мобайнида мумтоз сўз санъатимиз намояндалари ва уларнинг асарлари шарҳига бағишланган 30 га яқин мақолам босилди. Ҳамкасбларимнинг: «Ишонч»да мақолангни ўқидик, - деганларидан маълум бўладики, олиму адиблар ҳам газетани мунтазам ўқишади.

«Ишонч» - ўз қиёфаси, йўналишига эга газета. Бу таҳририят ходимларининг кунни тунга улаб қилаётган меҳнатлари мевасидир.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

**Ислом КАРИМОВ:**
*Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, авваламбор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатмоғи лозим*

## «ЁШЛИК» ЖУРНАЛИ - 20 ЁШДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Ёшлик» журналининг 20 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев ва бошқалар ёшлар тарбиясига эътибор мамлакатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканини, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолоти, дунёқараши, билим доирасининг кенгайишида «Ёшлик» журналининг ҳам ўз ўрни борлигини таъкидлади.

«Ёшлик» ўтган давр мобайнида кўплаб ёш шоир ва ёзувчиларнинг илк ижод намуналарини ўз саҳифаларида чоп этиб, уларни элга танитди. Журнал жамоасининг истеъдодли ижодкор ёшларни кашф этиш, адабий жараёнга олиб кириш, халқимизга танитиш борасидаги ишлари эътиборга лойиқдир.

**(ЎзА)**



## «АССАЛОМ, ҚАШҚАДАРЁ!» ДАН БОШЛАНАР ҲАР ТОНГ

Ҳар тонг сухандоннинг ширали овози воҳа аҳлини телеэкран қаршисига чорлайди. «Ассалом, Қашқадарё» тонгги ахборот - таҳлилий, мусиқий дам олиш дастури бошланади. Ёшу қари бу пайтда нонушта қилиб, вилоят телевидениеси орқали намойиш этилаётган қизиқарли кўрсатувларини томоша қилиб, хуш кайфият билан навбатдаги иш кунини бошлашади.

«Ассалом, Қашқадарё» тонгги дастурининг ташкил этилиши вилоят тележурналистлари зиммасига янада катта масъулият юклади. Уларнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан кўрсатув тез орада халқ қалбидан жой олди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига жавобан вилоят телерадиокомпанияси жаҳон стандартларига жавоб берадиган техникалар билан қайта жиҳозланди, дастурлар мундарижаси давр талаблари асосида бўлиши таъминланди. Телевидениени замонавий техника билан таъминлашда «БФЕ Сименс АГ» фирмаси ҳар томонлама ёрдамини аямади. Бу эзгу ишда ҳомийлар хизмати катта бўлди. Натижада кундалик кўрсатувлар ҳажми 9,5 соатга етказилди, тасвирлар сифати яхшиланди. Шунингдек, Қарши телемаркази биносида бевосита кўрсатув олиб бориш имконияти яратилди.

Айни пайтда вилоят телерадиокомпанияси замонавий ҳар томонлама қулай ва барча шарт-шароитлар мавжуд бинога эга. Замонавий аппаратлар билан жиҳозланган марказда монтаж хоналари, студиялар мавжуд. Узатиладиган салқин ҳаво хоналарда мўътадил иқлимни сақлаб туради.

Вилоят телерадиокомпанияси журналистлари кўрсатув ва радио эшиттиришлар сифатини янада яхшилаш учун тинмай изланмоқдалар. Радио орқали тараладиган «Қашқадарё сарҳадлари» мусиқий эшиттириши орқали тингловчилар воҳа ҳаётида юз бераётган янгиликлардан бохабар бўладилар. Усмонжон Нусуров, Малоҳат Камолова, Насиба Бўриева, Шаҳноза Комилова, Ҳусниддин Илёсов каби журналист ва сухандонлар, Шавкат Равшанов, Туроб Ҳайдаров, Саидазиз Файзуллаев сингари видеомуҳандис ва операторлар хизматини алоҳида қайд қилиш мумкин.

Республикамиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб вилоят телерадиокомпанияси маданият ишлари бошқармаси ҳамкорлигида шаҳар ва туманларда «Истиқлолим - истиқболим» мавзуида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда.

Вилоят телевидениесининг кўп кишилик жамоаси кейинги йилларда қўлга киритган қатор ютуқлар билан фахрланса арзийди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўртасида ўтказилган телетанлов ғолиби бўлган вилоят тележурналистлари касб байрамларини кўтаринкилик билан қаршиламоқдалар.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**





*Суратларда: вилоят тележурналистлари фаолиятидан лавҳалар.*

## ГАП МАҚОЛАНИНГ ҲАЖМИДА ЭМАС



Матбуотчилар қизиқарли хабарларни газета саҳифаларини безайдиган гавҳар шодалари деб таърифлашади. Чинданам ҳар бир матбуот нашрининг қўлма-қўл бўлишида ахборотларнинг ўрни алоҳида. Шу боис кекса журналист сифатида бу хайрли ишга озми-кўпми ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпман.

Бошқа матбуот нашрлари қатори «Ишонч» газетасида мунтазам хабарларим чоп этиб келинмоқда. Меҳнат қадрланаётганлиги, ҳамкасблар ҳурмат — эътибори ҳамиша кўнглимни тоғдек кўтаради. Ўрни келганида таъкидлаш жоиз, «Тошкент ҳақиқати» газетасида кечган чорак асрлик фаолиятим давомида журналистика соҳасида орттирган бой тажриба илмий ишларимда ғоятда қўл келди. Бундан буён ҳам ижодкор дўстларимга мададкор бўлаверамиз.

**АКБАР АЛИЕВ,**
**меҳнат фахрийси**

## ГАЗЕТАЛАР ТАРИХИДАН

Дунёда энг улкан газета АҚШда нашр этилган. Бу 1859 йили Нью-Йорк шаҳрида мустақиллик куни шарафига чиқарилган «Илюминейтед гэдранл констеллейшн» газетаси эди. Биллиард столини эслатувчи бу газетанинг бўйи 2.6 метр, эни 1.82 метр бўлиб, ҳар бири 30 устунга бўлинган 8 саҳифадан иборат. У 28 минг нусхада махсус пишиқ қоғозга босилган. Газетани чиқариш учун 8 ҳафта мобайнида 40 нафар ҳарф терувчи ишлаган.

* * *

Жаҳонда энг кичик газета Мексикада нашр этилган «Телеграмма»-дир. Унинг икки юз нусхасини улкан газетанинг бир нусхасига жо этиш мумкин.

* * *

Тинч океанидаги Вануату мамлакатида чиқадиган «Тамтам» («Ноғора») газетаси ҳар икки ҳафтада бир марта чоп этилади. Матбуотнинг ана шу нусхалари кемаларда мамлакатнинг 66 оролига етказиб берилади.

Газета инглиз тилининг маҳаллий шеваларида, француз ва соф инглиз тилларида чоп қилинади.

* * *

Францияда ойда бир марта чиқадиган газета бор. У «Ишсизлар бюллетени» деб аталади. Уни кескин иқтисодий танглик шароитида меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ишсизлар нашр этишади.

## ОБУНА — ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ




Газетачилар учун энг яхши мукофот бу обунадир. Не бахтки, сўнгги уч ярим йил ичида касаба уюшмалари газеталари тиражи 9 мингтага ошди. Бунда алоҳида жонбозлик ва ташкилотчилик кўрсатган касабақўм раислари, фаолларнинг меҳнати алоҳидадир.

Куни кеча «Ишонч» таҳририяти томонидан обуна жонкуярларини эсдалик совғалар билан тақдирлаш (суратда) маросими бўлиб ўтди. Унда сўз олган нотиқлар ўз газеталарини янада кўркам, ўқимишли қилиш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги хусусидаги қимматли фикрларини ўртага ташладилар.

## БИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



Демократик, адолатпарвар жамиятнинг асосини қонунлар устуворлиги ташкил этади. Мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат тамойилларига мос ва хос Ўзбекистон қонунлари қабул қилинди. Хусусан, Конституциянинг нормалари ва қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Меҳнат, Оила ва бошқа Кодексларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан бозор иқтисоди муносабатларини тартибга солишга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилинди. Бу борадаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни халққа етказишда «Ишонч» газетасида мунтазам босилаётган «Ҳуқуқий маслаҳатхона»лар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали-ҳануз ҳатто баъзи раҳбар ва мутахассислар амалдаги қонунларимизни яхши билмайдилар. Бу эса ўз навбатида ноқонуний ишдан бўшатишлар, турли чеклашларга сабаб бўлмоқда. Меҳнат ҳуқуқи нозирлари эса «штат қисқариши» ёки бошқа баҳоналар билан ишдан четлаштирилаётган меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб, адолатни ҳимоя қилмоқдалар. Бу борада бизга «Ишонч» газетаси билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Чунки, газетада аҳолининг турли қатламларидан келаётган саволларга берилаётган жавоблар халқнинг назарий билимини оширишга хизмат қиляпти. Бу эса турли идора ва ташкилотларда аҳоли мурожаатлари сонининг камайишига хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ишида менинг ҳам хизматим борлигидан мамнунман. Газетада чоп этилаётган мақолаларим боис турли вилоятлардан мактублар оламан. Уларнинг сўровларига газета орқали жавоб йўллайман.

**Карим МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош ҳуқуқшуноси**

## ХАЛҚ ИШОНЧИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Инсон ўз ҳаётидаги қувончу ташвишларини, ютуғу камчиликларини, ички туйғуларини, дарду аламларини ким биландир ўртоқлашгиси, унга борини тўкиб солгиси келади ва ўз навбатида ундан қандайдир йўл-йўриқлар кутади. Мен бевосита ишлайдиган ҳамкасбларим, даволайдиган беморларим қўлида кўпинча «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» қатори «Ишонч» газетасини кўриб қоламан. Улар бу газеталарни шу даражада берилиб ўқишадики, ҳатто ёнларидан ўтиб кетаётганингизни ҳам сезмайдилар.

Бугунги кунда 3971 олий маълумотли, 15 минг 956 нафар махсус маълумотга эга малакали тиббиёт ходимларимиз «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Обод маҳалла» ва тизимни ислоҳ қилишнинг 1998-2005 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари асосида 1 миллион 552 минг 500 нафар Қорақалпоғистон аҳолисига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Соҳада замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, санитария меъёрлари ва барча қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктлари тизими яратилмоқда.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистонда 96 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 55 таси махсус лойиҳа асосида янгидан бунёд этилди. 41 таси мавжуд тиббий муассасаларни қайта ихтисослаштириш йўли билан ташкил қилинди.

Нукус шаҳридаги 1-республика клиник касалхонаси асосий корпусида 350 миллион сўмлик реконструкциялаш ишлари амалга оширилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали биноси, шунингдек Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Қўнғирот ва Чимбой туманларидаги филиаллари биноларида сифатли таъмирлаш ишлари якунланиб, санитария меъёрларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги 140-сонли «Республикада ихтисослашган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши билан тиббиётдаги ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланди.

Тизимни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосан аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамни ва шошилинч тиббий ёрдам тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилган бўлса, иккинчи босқичда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш назарда тутилган.

Қорақалпоғистонда ҳам аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар моддий техника базасини мустаҳкамлаш, босқичма-босқич пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ва ўз-ўзини молиялаштириш механизмларини жорий қилиш бўйича режалар ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хорижий ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Вазирлигимиз билан БМТнинг ЮНИСЕФ, Болалар жамғармаси ,Европа Иттифоқининг «Евро эйд» дастури, Бутун жаҳон банкининг «Саломатлик» лойиҳаси, Американинг Каунтерпарт-Интернейшнл, ЮСАИД ташкилоти, Халқаро нодавлат ташкилотлари, Халқаро Қизил Хоч, Қизил Ярим Ой жамиятлари, «Ибн Сино», «Соғлом авлод» жамғармалари ҳамкорликда фаолият олиб боришмоқда.

20 мингга яқин қорақалпоғистонлик ҳамкасабаларим номидан матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий табриклайман.

**Маряш ТУРИМБЕТОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири**

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот маконига кириш ҳамда ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга катта эътибор қаратилаётир. Эндиликда «Тошкент халқаро радиоси»нинг материаллари билан Интернет орқали ҳам танишиш мумкин.

## «ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО РАДИОСИ» ИНТЕРНЕТДА

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг таркибий бўлинмаси ҳисобланмиш ушбу радиостанция Интернет тармоғида ўз веб-саҳифасини / WWW.ino.uzpak.uz./ очди. Унда ўзбек, инглиз ва рус тилларида ахборотлар жойлаштирилади. Кейинчалик эса бошқа тиллардаги эшиттиришларнинг матнлари веб-сайтдан ўрин олади. Келгусида дунё мамлакатларида «Тошкент халқаро радиоси» эшиттиришларини бевосита Интернетдан ҳам тинглаш мумкин бўлади.

**(ЎзА)**

